



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 9 июнь, № 118 (7076)

Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни
телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЦИНДАО ШАҲРИГА КЕЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг ўн саккизинчи мажлисида иштирок этиш учун 8 июнь кuni Хитой Халқ Республикасининг Циндао шаҳрига келди.

«Лютин» халқаро аэропортида Ўзбекистон раҳбарини Хитой ҳукумати вакиллари кутиб олди.

Саммитнинг асосий тадбирлари 9-10 июнь кунларига белгиланган.

Бу йилги саммитнинг ўзига хос томони шундаки, у ilk бор «саккизлик» форматида бўлиб ўтади, яъни бу сафар Давлат раҳбарлари кенгаши мажлисида Хиндистон Бош вазири Нарендра Моди ва Покистон Президенти Мамнун Хусайн ташкилотнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган мамлакатлар раҳбарлари сифатида иштирок этади.

Маълумки, 2016 йилги Тошкент саммитида Хиндистон ва Покистоннинг ШХТга аъзо давлат макомини олиш йўлидаги мажбуриятлари тўғрисида меморандумлар имзоланган ва улар учун ташкилотга йўл очилган эди. Нихоят, ўтган йили Остонада бу икки давлат Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг тенг ҳуқуқли аъзоларига айланади.

Циндаода ташкилотга аъзо мамлакатлар раҳбарлари аввал тор доирада, кейин кузатувчи макомидagi давлатлар вакиллари билан биргаликда кенгайтирилган таркибда музокаралар ўтказди. Учрашувларда ташкилот фаолиятини янада такомиллаштириш, сиёсат, хавфсизлик, савдо, иқтисодиёт, юқори технологиялар ва инновациялар, инвестиция, маданий-гуманитар соҳалардаги ҳамкорликни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинади.


Саммит якунида давлат раҳбарларининг Циндао декларациясини қабул қилиш режалаштирилмоқда. Шунингдек, терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш, узоқ мuddатли яхши қўшничилик, дўстлик ва ҳамкорликка оид ҳужжатлар, ёшларга қўшма мурожаатни имзолаш кўзда тутилган. Бундан ташқари, аъзо давлатларнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга оид қатор бошқа ҳужжатларни қабул қилиш мўлжалланган.

Давлат раҳбарлари навбатдаги мuddатда ШХТга раислик қиладиган мамлакат тўғрисида қарор қабул қиладилар, ШХТ бош котиби ва Минтақавий аксилтеррор тузилмаси Ижроия қўмитаси директори лавозимларига номзодлар тасдиқланади.

ШХТ саммити доирасида Ўзбекистон Президенти қатор давлат раҳбарлари билан учрашув ва музокаралар ўтказиши режалаштирилмоқда.

Ў.А.

Қарор ва ижро























БУХОРОНИНГ ИПАКЧИЛИК КЛАСТЕРИ

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 29 мартдаги «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори соҳада янгилашлар ва ўзгаришлар жараёнини бошлаб берди.

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида мамлакатимизнинг барча ҳудудида «Агропилла» масъулияти чекланган жамиятлари ташкил қилинди. Инновацион пиллахона, тутзорлар барпо этилмоқда. Ипак қурти уруғи ишлаб чиқаришга ҳамда хом ашёни қайта ишлашга ихтисослаштирилган 60 дан зиёд корхоналар модернизация қилин-япти. Ипак қурти боқувчиларга имтиёзлар берилмоқда.

Умуман, 2017 — 2021 йиллар давомида мамлакатда ипак етиштириш ҳажмини икки баробар, хом ашёни чуқур қайта ишлаш орқали ипак мато тайёрлаш миқдорини эса қарийб 8 маротаба ошириш кўзда тутилган.

(Давоми 3-бетда).



Эксклюзив интервью

Юкио ТАКАСУ:

«Денгизни қайтариб бўлмайди, аммо Оролбўйи аҳолисининг ҳаётини яхшилаш ўз кўлимизда»












БМТ Бош котибининг Инсон хавфсизлиги масалалари бўйича махсус маслаҳатчиси Юкио Такасу Марказий Осиё экологик форуми ва «Орол фожиаси оқибатларини юмшатиш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлар: янгича ёндашувлар, инновацион ечимлар ва инвестициялар» мавзусидаги халқаро анжуманда иштирок этиш учун Ўзбекистонга келди. 7 июнь кuni махсус маслаҳатчи Оролбўйи ҳудудига бориб, экологик вазият билан танишди, маҳаллий аҳоли, давлат ҳамда жамоат ташкилотлари вакиллари билан учрашди.

Жаноб Юкио Такасу мухбиримизга интервью берди:

— Бир йил аввал БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш Ўзбекистонга ташрифи давомида Нукусда бўлган, Мўйноқдаги «кемалар қабристони»га борган эди. У Орол денгизи билан боғлиқ ҳолатни «Замонамизнинг энг йирик экологик фожиаси», деб атаганди. Денгизнинг аста-секинлик билан йўқликка юз тутишига сув ресурсларини нотўғри бошқариш сабаб бўлди. Ҳозир вазият иқлимнинг ялпи исиши

туфайли янада чигаллашмоқда. Мўйноқда мен вайроналаргагина эмас, Ўзбекистон ва Марказий Осиёнинг бошқа мамлакатлари ҳукуматлари ҳамда БМТ агентликлари томонидан Орол денгизининг қуриши оқибатларини юмшатиш йўлидаги интилишлари натижасига ҳам гувоҳ бўлдим. Уйлар, инфраструктура объектлари қурилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Долзарб мавзу

КУЧЛИ МАФКУРАВИЙ ИММУНИТЕТ

ёшларнинг ёт ғоялардан ҳимояланишида муҳим ўрин тутади

Шафқатсиз экстремизм ва терроризмнинг тарқалиши бутун дунёда хавфсизликка раҳна солмоқда. У ҳамият асосларини вайрон этади, инсон ҳуқуқларининг бош тамойилларини оёғости қиладди.

Ушбу ходисаларга қарши туриш Ўзбекистоннинг давлат хавфсизлиги ҳамда ташқи сиёсат стратегиясининг энг муҳим устувор йўналишидир. Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, халқ фаровонлиги учун тинчлик ва барқарорликнинг улкан аҳамиятини англаб етган мамлакатимиз экстремизм ҳамда терроризмга қарши кураш бўйича муносиб ва самарали қарорлар ишлаб чиқишга қаратилган конструктив ташаббусларни изчиллик билан илгари сурмоқда.

Ўтган йилнинг ноябрь ойида Самарқандда бўлиб ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда Президентимиз Шавкат Мирзиёев форум ташаббуслари ҳамда дунё жамоатчилигини хавфсизликка таҳдидларни «ўзиники ва ўзгаларники» деб ажратишдан воз кечиш, «яхлит хавфсизлик» тамойилига амалда риоя қилиш, бу соҳадаги амалий ҳамкорликни чуқурлаштириш зарурлигини таъкидлаган эди. Зотан, минтақа давлатлари терроризм ҳамда диний экстремизм таҳдидларига бирдек дуч келмоқда.

Давлатимиз раҳбари халқаро террорчилик ва экстремизм асосида, бошқа омиллар билан бир қаторда, жойиллик ҳамда тоқатсизлик ҳам ётганини БМТ Бош Ассамблеяси 72-сессиясининг юксак минбарида туриб алоҳида айтиб ўтди. Шу боис инсонлар онги учун кураш асосий вазифадир. Биринчи навбатда, ёшлар тафаккурини эгаллаб олиш талаб қилинади. Чунки экстремистик фаолият ва зуравонлик билан боғлиқ жиноятларнинг аксарияти 30 ёшга етмаган ёшлар томонидан содир этилмоқда.

(Давоми 2-бетда).



Хар бир оила — тадбиркор

Унинг ҳуқуқий асоси мустаҳкам, имтиёзлар қўлами кенг.



Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз тараққиётига дахлдор бўлган яна бир муҳим ҳужжатга имзо чекди. «Хар бир оила — тадбиркор» дастурини амалга ошириш тўғрисида»ги ушбу қарор ўз вақтида қабул қилинган билан катта аҳамиятга эга.

Хўш, мазкур ҳужжатни қабул қилишга қандай зарурат бор эди, нега айнан оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда? Қарорнинг асл мақсади ва мазмун-моҳияти нималардан иборат ўзи?

(Давоми 2-бетда).



“ХАР БИР ОИЛА — ТАДБИРКОР” ДАСТУРИ

хар бир туман ва шаҳарда, энг аввало, оиласи ва табиий-иқлим шароити оғир ҳудудларда амалга оширилади.

Жорий йил 10 июндан Андижон вилоятининг туман ва шаҳарларида унинг ижросига киришилади. Бунинг учун 200 000 000 доллар йўналтирилади.

Дастурдан қўзланган мақсадлар:

- тадбиркорлик ташаббусларини хар томонлама қўллаб-қувватлаш, имтиёзли кредитлар ажратиш;
- аҳолига тадбиркорлик кўникмаларини ўргатиш;
- қўшимча иш ўринлари яратиш;
- касаначиликни ташкил этиш учун молиявий ёрдам бериш;
- миникластерлар ташкил этиш;
- жойларда оилавий тадбиркорликка курсатиладиган хизматлар қўламини тубдан кенгайтириш;
- бўш турган ер майдонларини янги ташкил этилаётган оилавий тадбиркорлик субъектларига бериш.

Имтиёзли кредитлар энг хам иш ҳақининг:

- 150 бараваригача — оилавий тадбиркорликни ривожлантириш учун секторлар раҳбарлари ва маҳалла фуқаролар йиғини тавсияномалари асосида;
- 1000 бараваригача — кичик тадбиркорлик субъектларига учинчи шахс ҳақилиги, суғурта полислари, кредит ҳисобига сотиб олинаётган мол-мулклар гарови ва бошқа таъминот турлари асосида;
- 1000 бараваридан ортиқ миқдорда — инвестициявий лойиҳаларини кредитлашда қонун ҳужжатлари доирасида белгиланган таъминот турларига асосан ажратилади.

ТАДБИРКОР



КОНГРЕСС

Ўзбекистон маданий мероси — жаҳон ҳамжамияти эътиборида

Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида “Ўзбекистон маданий мероси: халқлар ва мамлакатлар ўртасида мулоқотга йўл” иккинчи халқаро конгресси якунланди.



Санкт-Петербург шаҳридан жамоатчи мухбиримиз, Ўзбекистон ёшлари умумжаҳон ассоциацияси етакчиси Бунёдбек БОБОЖОНОВ хабар қилади.

Мазкур нуфузли анжуман Ўзбекистон Электрон оммавий ахборот воситалари Миллий ассоциацияси, Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, бир қатор давлат, жамоат ҳамда халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ўтказилди.

Ундан кўзланган мақсад мамлакатимиз аҳолиси, айниқса, ёшлари ва ҳорижий жамоатчиликини ўзбек халқининг бебаҳо маънавий бойлиги билан кенг таништириш, буюқ олимларимизнинг жаҳон тамаддуни ривожига қўшган ҳиссасини чуқур ўрганиш, чет эллардаги Ўзбекистонга оид маданий бойликлар ҳақида тўлиқ маълумотлар базаси — реестрини яратиш ҳамда уни мунтазам янгиллаб бориш, мамлакатимиз сайёҳлик салоҳиятини янада оширишдан иборатдир. Уч кунлик тадбир дастурлари ранг-баранг бўлди. Унинг доирасида олим ва тадқиқотчиларнинг маърузалари, диққатга сазовор масканларга ташрифлар, амалий мулоқотлар уюштирилди. “Маданий меросни сақлаш, ўрганиш ҳамда оммалаштиришнинг долзарб йўллари

умумжаҳон муаммоси сифатида: Ўзбекистон тажрибаси”, “Буюқ Ипак йўли марказида Шарқ ва Ғарб маданий аъёналарининг ўзаро таъсири”, “Инсонпарвар ҳамда маърифий ислом Ўзбекистон маданий меросида”, “Амалий беазакли санъат: турмуш, эътиқод ва гўзаллик уйғунлиги”, “Мовароуннаҳр китобат санъати” сингари йўналишлар бўйича Ўзбекистон ҳамда дунё олимларининг кизиқарли мавзулардаги чиқишлари барчада катта таассурот қолдирди.

Шунингдек, анжуманда “Ўзбекистон маданий мероси — дунё тўпламларида” туркумида чоп этилган “Ўзбекистон маданий мероси — Давлат дин тарихи музейида”, “Ўзбекистон гилмачилиги: асрларга тенгдош аъёналар”, “Ўзбекистон маданий мероси — Ўзбекистон давлат санъат музейи тўпламларида”, “Ўзбекистон маданий мероси — Германия музейларида” китоб-альбомларининг ва мазкур мавзуда суратга олинган ҳужжатли фильмларнинг тақдими ўтказилди.

Конгресс муносабати

билан Санкт Петербургдаги бир қатор музейлар ҳамда маданият муассасаларида Ўзбекистон маданий меросига бағишланган кўргазмалар ҳам очилди. Чунончи, Дин тарихи давлат музейидаги “Ўзбекистон — маданиятлар чорраҳасида” деб номланган кўргазма санъат ихлосмандлари билан гавжум бўлди. Музей ходимларининг таъкидлашича, ўтган асрнинг 60-йилларида Сурхондарё вилояти ҳудудидан топилган Будда ҳайкалчасининг бош қисми ушбу музейнинг энг нодир артефактларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, кўргазмада Самарқанддан келтирилган, яхудий келин-кўев ўртасида икки аср муқаддам тузилган никоҳ шартномаси ҳам азалдан юрти-мизда диний бағрикенглик ҳўкм сурганини аңглатади.

Кўргазмада намойиш қилинган ноёб экспонатлардан яна бири Бухоро амири Саид Абдулахадхонга тегишли зардўзи чопондир. Бухоролик зардўзларнинг меҳнати ва маҳорати эвазига тикилган бу бебаҳо либос музейдаги энг ноёб экспонатлардан бири сифатида тан олинади.

Эътиборлиси, эндиликда Россияда бошланадиган футбол бўйича Жаҳон чемпионатиға келувчи минглаб хорижликлар ҳам мазкур масканларға ташриф буюриб, Ўзбекистон маданияти билан боғлиқ ангилликлар билан яқиндан танишиши мумкин.

БУХОРОНИНГ ИПАКЧИЛИК КЛАСТЕРИ

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Фаолиятимизни ана шу вазифалардан келиб чиққан ҳолда ташкил этияпмиз, — дейди “Бухоро бриллиант силк” корхонаси директори ўринбосари Муртазо Қодиров. — Модернизация ишларига алоҳида эътибор қаратганмиз. Жумладан, яқинда Италиядан 6 та замонавий тўқув дастгоҳи харид қилдик. Уларнинг иш унумдорлиги юқори. Тўқилган мато эса пишиқ, рақобатбардош. Қолаверса, бу усқуналар электр энергиясини турдошларига нисбатан 30 фоиз кам сарфлайди. Худди шундай фикрни Бельгиядан сотиб олинган дастгоҳлар хусусида ҳам айтиш мумкин.

Мазкур корхонани соҳанинг ўзига хос кластерига қиёслаш мумкин. У Шофиркон, Бухоро, Ромитан, Ғиждувон, Пешку туманларидан жами минг тоннаға яқин пиллани қабул қилиб олади. Хом ашё шу ернинг ўзида сараланади, қайта ишланади. Ипакдан мато тайёрлаш, унга гул босиш ва либослар тикиш ҳам йўлга қўйилган. Жумладан, кийим-кечак цехида ипак

матолардан 20 дан зиёд турдаги аёлларбоп либослар тикилмоқда.

Корхонада 400 нафардан ортиқ ишчи меҳнат қияппти. Улардан бири оддий қишлоқ қизи — Муниса Акрамовадир.

— Когон қишлоқ ҳўжалиги касб-хўнар коллежини битирияпман, — дейди у. — Амалиётни шу корхонада ўтаб, устозим Ситора Икромовадан замонавий дастгоҳда ишлаш сирларини ўргандим. Бу ер менға қадрдон бўлиб қолди. Эндиликда тўқувчи сифатида



2017 — 2021 йиллар давомида мамлакатда ипак етиштириш ҳажмини икки баробар, хом ашёни чуқур қайта ишлаш орқали ипак мато тайёрлаш миқдорини эса қарийб

8 маротаба ошириш кўзда тутилган.

шу корхонада меҳнат фаолиятини бошлаяпман. Бундан оиламиздагилар ҳам хурсанд.

— Тўрт йилдан буён “Бухоро бриллиант силк”да иш-

лаяпман, — дейди яна бир суҳбатдошимиз Шахло Қобилиова. — Илгари тузукроқ иш тополмаганим учун уйда ўтиргандим. Ҳозир эса ишлаб, рўзғорға наф кел-

тирияпман. Корхонамизда унумли меҳнат қилишимиз учун барча қўлайлик яратилган. Яна бир муҳим жиҳати, маҳсулотларимиз чет элларда ҳам хариддорғир бўлиб бормоқда.

Чиндан ҳам, корхонанинг экспорт салоҳияти тобора ошыпти. Ўтган йили “Бухоро бриллиант силк” хорижлик буюртмачиларға 3,5 миллион АҚШ долларини миқдорида маҳсулот етказиб бер-

ганди. Жорий йилнинг ўтган даврида эса салкам 2 миллион долларлик маҳсулот экспортға чиқарилди. Экспорт географияси ҳам кенгаймоқда. Корхона тамғаси туширилган маҳсулотлар илк бор Австрия ҳамда Италия каби давлатларға ҳам жўнатилди.

Истам ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

Депутатлар зарбдор ой вазифалари ижросида фаоллик кўрсатмоқда

“Ўзада кафолатли ҳосил яратиш зарбдор ойлиги” учун белгиланган устувор вазифалар ижроси Наманган вилоятида ҳам илчил амалға оширилмоқда. Хусусан, сув танқислиги қутилаётган бу йилги шароитда обиҳаёт ресурсларидан оқилона фойдаланиш, бунда соҳада тўпланган илгор тажрибаларни кенг қўллаш орқали экзининг суваға бўлган талабини тўла қондиришға алоҳида аҳамият қаратилаётир. Айтиш лозимки, мазкур масаланинг халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессиясида қўриб чиқилиб, депутатлар ва жамоатчиликнинг айни йўналишдаги чора-тадбирлардаги иштирокининг белгилаб берилиши парламент вакиллари зиммасига ҳам муҳим вазифалар юклади.

МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРДА

Жорий йилда вилоятдаги фермер ҳўжаликлари 65 минг 606 гектар майдонда пахта етиштириляпти. Агротехника тадбирларининг тўлиқ ўтказилишиға қарамасдан баҳор мавсумида ҳароратнинг паст келиши ҳисобиға ўза ривожни орқада қолаётган пайкаллар ҳам учрайди. Минтақадаги сув омборларидида обиҳаётнинг бўлтуртиға нисбатан бирмунча кам тўпланганлиги ҳам ўзига хос муаммоларни пайдо қилмоқда. Шунға иноан, ҳар бир туманда сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, экзини суғоришда тежамакорликнинг синовдан ўтган усулларини кенг қўллаш бўйича семинарлар ташкил этилди. Чортоқ туманидаги “Вали Доно Омон” фермер ҳўжалигида ўтказилган ана шундай тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Ш. Якубов, халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутатлари, тегишли мутахассислар иштирок этишди. Семинар аввалида Ўзбекистон Фермер, деҳқон ҳўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг мамлакатимиз Фермерларига Мурожаатда илгари сурилган вазифалар ҳақида гап борди. Сўнгра сув тақчиллиги сезилаётган шароитда унинг ҳар қатрасини экзин ривожига йўналтиришининг самарали усуллари ҳақида атрофлича тушуңча берилди, қўп йиллик тажрибаға аға сувчиларнинг тавсиялари тингланди.

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши сессияси ҳамда туманларда ўтказилган семинарларда ўртаға қўйилган вазифалардан келиб чиқиб, жойларда амалий ҳаракатлар қунайтирилган. Долзарб масалаға парламент аъзоларидан тортиб, қўйи бугин депутатларигача жалб қилинган бўлиб, улар сув танқислиги оқибатларини юмшатиш билан боғлиқ ишларни ташкил этишда қишлоқ ҳўжалиги меҳнаткашларига яқиндан қўмак беришяётир. Айни пайтда жойларда ташкил қилинган 51 махсус штаб томонидан мавжуд сув ресурсларидан унумли фойдаланиш, гидротостлар фаолияти, сувчилар учун етарли шарт-шароит яратиш масаласи қатъи назоратта олинган.

— Зарбдор ойда амалға оширилган чора-тадбирлар режасида экзини суғориш ҳамда сувдан фойдаланиш, хусусан, далаға йўналтирилаётган обиҳаётнинг ҳар қатраси ўза ривожига хизмат қилишига еришиш устувор вазифа сифатида белгиланган, — дейди фермер, деҳқон ҳўжаликлари, томорқа ва ер эгалари вилоят кенгаши раиси Исроил Ҳошимов. — Кейинги кўнларда мавжуд гидротостларнинг барчаси

қайтадан кўздан кечирилди, ички ариқ-зовурлар ҳашар йўли билан тозаланди. Суғориш ишларини пухта йўлга қўйишнинг махсус жадвали ишлаб чиқилган бўлиб, сув тарашни энг охириги пайкалдан бошлаш тартибига риоя этилмоқда. Вилоят бўйича уч минг гектардан қўпроқ майдондаги ўза эгилувчан қувурлар ёрдамида суғорилади.

Фермер ҳамда мутахассислар экин майдонларида намлик узоқ вақт сақланишини таъминлаш мақсадида пайкаллар тепасида маҳаллий ўғит жамғариш масаласини кун тартибига қатъий қилиб қўйишган. Биргина июнь ойининг ўзида ҳар гектар экинзор ҳисобиға тўрт тоннадан органик ўғит солинади. Бундан ташқари, сувни тежаш мақсадида жорий йилда ғалладан бўшаган майдонларға экиладиган такрорий экинлар ҳажмини 13 минг гектар қисқартириш кўзда тутилган. Ҳосили ўриб олинган пайкалларни узоғи билан ун кун ичида шудгордан чиқариш ва такрорий экинни жойлаштириш тажрибаси қўлланилади. Пировардида ҳайдов олдиндан суғориш учун талаб этиладиган обиҳаёт тежалади.

Айни кўнларда вилоят далаларида 142 та суғориш отрядига бўлинган 17,5 минг нафарға яқин сувчи ҳамда мутахассислар зарбдор ойдаги энг муҳим агротехник тадбир — суғориш ишини намунали ташкил қилишға жалб этилган. Уларнинг унумли ишлаши йўлида яратилган шарт-шароит, биринчи навбатда, меҳнат ҳақининг ҳар беш кунда қатъий ҳисоб-китоби йўлга қўйилгани ўз самарасини бермоқда. Бу каби омилиларнинг барчаси жорий йил пахта хиромонига ишончли пойдевор яратаётгани билан муҳим аҳамиятға аға бўлмоқда.

Қудратилла НАҲМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАҲРИРИЯТДАН: Таъкидлаш жоизки, юқоридаги долзарб масалалар халқ депутатлари Фарғона, Самарқанд, Жиззах вилоятлари Кенгашларининг сессияларида ҳам муфассал қўриб чиқилди.

Сўз — конгресс иштирокчиларига



Баҳром АШРАФХОНОВ, Ўзбекистон Республикасининг Россия Федерациясидаги Фавкулдда ва мухтор элчиси:

— Ўзбекистон маданий меросининг нодир дурдоналарини дунёнинг турли нукталарида учратиш мумкин. Бугунги кунда Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан халқимизнинг бой ҳамда бетакрор маданиятини ўрганиш ва кенг тарғиб этишға жуда катта аҳамият қаратилмоқда. Ушбу халқаро конгресснинг мақсади ҳам ана шу эзгу мақсадға йўналтирилган. Мазкур анжуманнинг айнан шу гўзал шаҳарда ўтказилгани бежиз эмас. Зотан, Санкт-Петербург Россиянинг маданий пойтахтидир. Қолаверса, бу шаҳар дунё шарқшунослик илмининг ҳам марказларидан бири саналади. Ҳозирги пайтда шаҳар музейлари, кутубхоналари ҳамда илмий муассасаларида Ўзбекистонга оид минглаб нодир экспонатлар, қўлёмалар сақланмоқда. Уларнинг ҳали қанчаси ўрганилмаган, кенг жамоатчиликка маълум қилинмаган. Анжуман ана шу меросни янада кенгроқ тарғиб этиш, уни чуқурроқ ўрганиш имконини берди.

Владимир ГРУЗМАН, Россия этнография музейи директори:

— Музейимиз Россиядаги энг қадимий маданий муассасалардан бири. Унда сақланаётган, Ўзбекистон ҳудудидан келтирилган этнография материаллари юз йилдан қўпроқ тарихға аға. Муҳими, бу ноёб мерос намуналари масканимизға ташриф буюрувчиларда доимо катта қизиқиш уйғотади.

Айни пайтда мамлакатингизда давлат томонидан маданият соҳаси ривожига қаратилаётган эътибордан яҳши хабардоримиз. Ушбу анжуман ҳам дунёнинг турли ҳудудларига бориб қолган Ўзбек маданий мероси дурдоналарини ўрганиш борасидаги яна бир муҳим саъй-ҳаракатдир.



Зарина ЖАНДОСОВА, Санкт-Петербург давлат университети кафедре мударри:

— Марказий Осиё халқларининг бой маданий мероси, турмуш тарзи ва яна қўллаб ноёб жиҳатлари ҳақида талабаларимизға қўллаб маърузалар ўтаимиз. Ушбу конгресс Ўзбекистон заминидида вояға етган ҳамда дунё цивилизациясига улкан ҳисса қўшган алломалар ҳақида батафсил маълумот олиш имконини берди. Қолаверса, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан фикр ва тажриба алмашганимиздан мамнунимиз.



Куни кеча “Ўзбекозиқов-қатҳолдинг” холдинг компанияси раиси Тохиржон Жалилов билан Хитойнинг “Industrial Co LTD” компанияси бош менежери Хиян Жонгхе ўртасида ўтказилган музокаралар томонлар учун ана шундай ўта самарали бўлди. Бу Хитой карантин ва божхона хизмати томонидан олиб берилган узоқ текширувлардан сўнғ Ўзбекистон гило-си ҳамда бошқа мевалари экспортига рухсат берилганининг ақрол тасдиғидир.

Бугун хитойлик харидорлар ўзбек ноз-неъматлари сифатли ва рақобатбардош эканлигини эътироф этишмоқда. Ҳамкорлар талабига кўра, “Ўзагроэкспорт” АЖ томонидан 22,4 миллион АҚШ долларлик дастлабки экспорт амалға оширилди.

Нодирбек ИБОДУЛЛАЕВ.

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидида ўтказиладиган оқиқ аукцион савдосига тақлиф етғади.

● Аукцион савдосига Ўзбекистон енгил атлетика федерациясига қарашли, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Ислам Каримов кўчаси, 98-«А» уйда сақланаётган, 2010 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01/963 MBA бўлган, «Isuzu Saz NP21» русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 96 837 000 сўм.

Аукцион савдоси 2018 йил 12 июль куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати — 2018 йил 10 июль куни соат 18.00.

Аукцион савдоси ғолиби деб топилган шахсға 10 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Закалат пули миқдори — 10 фоиз.

● Аукцион савдосига «Milk and meat agro» МЧЖға қарашли, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Октепа кўчаси, 1-уйда сақланаётган, 2000 йилда ишлаб чиқарилган, «Марал-125» русумли комбайн қўйилмоқда.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМСИ

куйидаги савдо-технологик ва музлатиш жиҳозларини етказиб бериш бўйича танлов савдолари эълон қилади:

10 кг.гача тортадиган электрон тарозилар, 500 кг.гача тортадиган электрон тарозилар, ишлаб чиқариш қуввати соатига 300 кг.гача бўлган картошка тозалайдиган машиналар, ишлаб чиқариш қуввати соатига 300 кг.гача бўлган гўштиқиймалагичлар, агрегати юқорида жойлашган «ШХС-1,4» русумли музлатиш шкафлари, «КХН-6,61» русумли паст ҳароратли совитиш моноблоки музлатиш камералари, «КХС-6,61» русумли ўрта ҳароратли совитиш моноблоки музлатиш камералари, машиий музлаткичлар, 3 секцияли қовуриш шкафлари.

Тўлов шартлари: 15 фоизи — олдиндан тўлов, қолган 85 фоизи — етказиб берилганидан сўнғ.

Етказиб бериш шарти — бюортмачининг омборига.

Танлов савдолари куйидаги манзилда ўтказилади: Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй.

Тижорат тақлифлари эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Маълумот олиш учун ҳар куни соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзил бўйича муурожаат этиш мумкин.

Телефонлар: (0-371) 255-75-12, 255-83-00 (навбатчи), 281-43-71.

Давлат, хусусий ва мулкчилик шакли турлича бўлган корхоналар раҳбарлари диққатига!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ

МОДДИЙ-ТЕХНИКА ТАЪМИНОТИ БОШҚАРМАСИ

куйидаги автошиналарни етказиб бериш бўйича танлов савдосини эълон қилади:

- юк ташувчи автомобиллар учун автошиналар: 7.5R16C русумли — 600 дона, 8.5R17.5 (215/75 R 17,5) русумли — 150 дона;
- енгил турдаги автомобиллар учун автошиналар: 155R12C русумли — 600 дона, 175/70R13 русумли — 1000 дона, 185/70R14 русумли — 1800 дона, 195/60R15 русумли — 500 дона;
- ўта ёмон йўлларда ҳам юра оладиган автомобиллар учун 225/75R16C русумли автошиналар — 200 дона.

Тўлов шартлари: 15 фоизи — олдиндан тўлов, қолган 85 фоизи — етказиб берилганидан сўнғ.

Тақлиф этилаётган автошиналар 2017 йилдан аввал ишлаб чиқарилмаган бўлиши лозим.

Танловда қатнашиш учун ҳужжатлар эълон чоп этилган санадан бошлаб 30 кун мобайнида қабул қилинади.

Танлов куйидаги манзилда ўтказилади: Ўзбекистон Республикаси, 100070, Тошкент шаҳри, Шота Руставели 1-берк кўчаси, 1-уй. Телефонлар: (0-371) 281-46-70, 256-39-03. Факс: (0-371) 281-43-74. E-mail: umts@mvd.uz



Футбол бўйича Жаҳон чемпионатида 5 кун қолди!

Узоқ кутилган мундиаль — футбол бўйича Жаҳон чемпионати бошланмоқда. 14 июндан 15 июлгача Россиянинг 11 шаҳридаги замонавий ареналар мезбонлик қиладиган ушбу мусобақа — ФИФАнинг 21-Жаҳон чемпионатидир. Унда ФИФАга аъзо 206 мамлакат жамоалари ўртасида кескин курашларга бой бир неча босқичли саралаш бахсларидан муваффақиятли ўтган сайёрамизнинг энг кучли 32 жамоаси иштирок этади. Европа зонасидан мезбон давлат сифатида Россия билан бирга яна 13 жамоа, Африка, Осиё ва Жанубий Америка қитъаларидан — 5 тадан, Шимолий Америка қитъасидан 3 та терма жамоа вакиллари Жаҳон кубогини қўлга киритиш учун курашади.



Муҳим далиллар

Волонтерлар. Чемпионатда хавфсизлик, тартибни сақлаш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида ихтиёрий асосда аҳоли орасидан жалб қилинган ҳамда махсус тайёргарликдан ўтган 15 минг нафар волонтер, шунингдек, сайёҳлар оқимида хизмат кўрсатиш учун яна 20 минг нафар “шаҳар кўнгиллилари”нинг фаол иштироки кутилмоқда.

Миллиардлар ўйини. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, ЖЧ — 2018 мусобақаларининг финал баҳсини Ер юзи аҳолисининг ярмидан кўпроғи телевизор орқали кузатади. Россия ҳукумати маълумотларига қараганда, футбол беллашувларини бевосита

стадиондан туриб кузатиш мақсадида мамлакатга 1 миллион нафардан зиёд сайёҳлар келиши тахмин этилмоқда.

Имтиёзлар. Мундиаль бахслари пайтида Россиянинг 11 шаҳри ўртасида ҳаракатланувчи поездлар қатнови бепул деб эълон қилинди. Улардан 500 минг нафардан зиёд футбол мухлислари фойдаланиши кутиляпти. Бунинг учун махсус мухлис паспорти ва ўйинга олинган чиптани кўрсатиш кифоя. “Аэрофлот” компанияси эса Россия терма жамоасига мухлислик қилувчилар учун мезбон мамлакат иштирокидаги ўйинлар бўлиб ўтадиган шаҳарларга парвоз нарҳини 5 рубль сифатида рамзий баҳолади.

Энг қиммат турнир

Одатда, ҳар бир чемпионат аввалгисидан харажатлар бобида кўпроқ пул сарфланиши билан фарқланади. 2018 йилги Жаҳон кубоги мусобақаларига тайёргарликда ҳам ушбу аниқана бузилмади. “McKinsey & Company” халқаро консалтинг компанияси тадқиқотларига қараганда, мундиальни ўтказишга тайёргарлик жараёнига жами 1,2 триллион рубль (шу йиллар давомидаги ўртача курс бўйича 18 миллиард АҚШ доллари атрофида) маблағ сарфланган. Бу пуллар мезбон шаҳарларни ободонлаштириш, спорт ва йўл инфратузилмаларини барпо этишга йўналтирилган. “Россия — 2018” ташкилий қўмитаси бosh директори Аркадий Дворковичнинг сўзларига кўра, мазкур маблағларга харажат сифатида эмас, балки келажакка инвестиция деб қараш мақсадга мувофиқдир. Мисол тариқасида, янгидан бунёд этилган энг замонавий стадионлардан ташқари, 20 та темир йўл вокзали, аэропортлар, меҳмонхоналар, минглаб спорт объектлари ишга туширилганини айтиш мумкин.



Энг даромадли чемпионат

“Футбол тарихидаги энг қиммат турнир”, дея баҳоланаётган ушбу мундиаль Россия иқтисодиётига келтирадиган даромади бўйича ҳам рекорд ўрнатади. Экспертларнинг фикрича, 2013 — 2018 йиллар давомида бевосита мазкур мусобақага тайёргарлик ҳамда уни ўтказиш асосида мамлакат иқтисодиёти тахминан 820 миллиард рубль фойда кўради. Шунингдек, юқорида тилга олинган халқаро консалтинг компанияси тадқиқотларига қараганда, чемпионат мусобақалари тугагандан сўнг ҳам сайёҳлар оқимининг ортиши натижасида келгуси 5 йил ичида ҳар йили 110 миллиард рубль инвестиция ва мамлакат ЯИМга 180 миллиард рубль даромад келиб туради. Россияда футбол бўйича Жаҳон чемпионатини ўтказишга тайёргарлик кўриш даврида ҳамда кейинчалик қурилган инфратузилма объектларига хизмат кўрсатиш учун яратилган иш ўринлари сони 220 мингтадан ортиб кетди.

Шубҳасиз, энг катта даромадни турнир ташкилотчиси — ФИФА олади. Масалан, ЖАРда бўлиб ўтган 2010 йилги жаҳон чемпионатидан Халқаро футбол федерацияси 3,2 миллиард АҚШ доллари миқдоридидаги фойда билан чиққан эди. Бу қадар катта сумманинг ажабланарли жойи йўқ, зотан, ФИФА жаҳон чемпионати билан боғлиқ энг қиммат “маҳсулот” — телетрансляция ҳуқуқига эгалик қилади. Қолаверса, ташкилот билан ҳомийлик шартномалари имзолаган “Visa”, “Adidas”, “Sony”, “Coca-Cola” сингари йирик компаниялар тўлайдиган маблағ ҳам оз эмас. Бу маблағлардан бир миллиард доллари чемпионатга тайёргарлик кўриш мақсадлари учун йўналтирилади. Ҳомий ташкилотлар ёрдамнинг каттагина қисми мусобақа мезбони бюджетига ҳам яхшигина фойда келтиради.

Шухрат, ифтихор ва... маблағ

2017 йил 27 октябрда Калкутта шаҳрида бўлиб ўтган ФИФА Кенгаши йиғилишида Жаҳон чемпионати иштирокчиларига тўланадиган мукофот жамғармаси 400 миллион АҚШ доллари миқдоридида тасдиқланди. Шундан жаҳон чемпионига 38 миллион, вице-чемпионга 28 миллион, учинчи ўрин соҳибига 24 миллион, гуруҳ босқичини тарк этган жамоаларга, кўрсатган натижасидан қатъи назар, 8 миллион АҚШ долларидан пул берилади. Бундан ташқари, Жаҳон чемпионатининг финал босқичига йўл олган 32 терма жамоанинг ҳар бирига тайёргарлик харажатларини қоплаш учун яна 1,5 миллион АҚШ долларидан ажратилди.

Ўзбек ҳақами яна мундиалда



Мундиаль бахсларини бошқарувчи ҳакамларнинг якуний рўйхатидан ҳамюртимиз, Осиёнинг беш карра энг яхши ҳақами Равшан Ирмаев бу сафар ҳам жой олди. Ўзбекистонлик реферига футбол оламининг энг нуфузли турнири бахсларини бошқаришда унинг ёрдамчилари Абдуҳамидулло Расулов ва Жаҳонгир Саидов ёрдам беради.

Яна бир хушхабар. ФИФА ташкилоти ўйинларни бошқаришдаги ҳолислиги билан тобора ишонч қозонаётган ўзбекистонлик мутахассисларга халқаро мусобақаларда ишлаш учун имко-

ниятларни оширмоқда. Ўзбекистон футбол ассоциациясининг расмий сайти www.the-uff.com берган маълумотга кўра, Ўзбекистон футбол ассоциацияси Халқаро босқармаси бошлиғи ўринбосари сифатида фаолият юритаётган Олим Арифов ЖЧ — 2018 мусобақасига комиссар сифатида расман таклиф қилинган. “Қайд этиш керакки, шу пайтга қадар нафақат Ўзбекистондан, балки Марказий Осиёдан бикоррта мутахассис Жаҳон чемпионатида комиссар сифатида ишламаган. Олим Арифов бу борада биринчи бўлади”, дейилади ассоциациянинг расмий маълумотида.

Ҳамма футболга!

Терма жамоамиз чемпионатнинг финал босқичи йўлланмасини қўлга кирита олмаган бўлса-да, Россияга бориб, дунё футбол юлдузлари ижросидаги унутилмас ўйинларни бевосита стадиондан томоша қилишни истайдиган юртдошларимиз кўплаб топилади. Ўзбекистонликлар учун Россияга визасиз режим амал қилишини, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро яқин муносабатларни инобатга олсак, бу табиий, албатта. Айни пайтда чипталар сотиш жараёнининг биринчи ҳамда иккинчи босқичлари якунланди. 18 апрелда бошланган учинчи — сўнгги босқичда чипталар 15 июлга қадар сотилади. Бунинг учун чемпионатга боришни хоҳловчилар ФИФАнинг www.fifa.com/worldcup/organisation/ticketing/index.html расмий манзилида рўйхатдан ўтиб, чипта харид қилишлари лозим. Кейин эса Fan ID — Мухлис паспорти олиш керак бўлади. Бу ҳужжат мухлислар учун кўзда тутилган барча имтиёздан фойдаланиш имкониятини тақдим этади.



Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



ISSN 2010-6784

4720304780004

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 645. 115 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғоев томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.15 Топширилди — 00.35 1 2 3 4 5 6



Ботир ҒОҒУРОВ тайёрлади.

*Барча ўйинлар Тошкент вақти билан кўрсатилган.

Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,

Тошкент шаҳри,

Матбоотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Ф. Абилов.

Навбатчи — О. Файзиев.

Мусахҳих — Ш. Машраббоев.